



2 “Art Week Style.Uz —2011”

Ижара тойчоқ



6

Қум  
хайкалтарошлиги




7



8

Кулгили ёзувлар

## БАТАН МАНЗАРАЛАРИ



Маъсум куз минг ёшли донишманд сифат,  
Оҳиста ғудранар кўзларин юмиб.  
Ҳар бир лаҳзасида гўзал бир ҳикмат,  
Унга тўймайман тинглаб, тикилиб.

Чори АВАЗ

## РУЛДАГИ МАЛИКАЛАР

- Эркакларга қараганда хушёрроқми?
- Қоида бузарликда-чи?
- Машина ҳайдаш урфми ёки эҳтиёж?



Бугун кўчаларимизда транспорт воситаларини бошқараётган аёллар анча кўпайиб қолди. Кимдир нозик жинс вакиллари кунт, эҳтиёткорлик борасида эркаклардан устунроқ деса, бошқа биров эса аёл ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини кўпол равишда бузиш ҳолати кўплигини таъкидлайди. Хуллас, ҳар ким ўзича талқин қилаётир. Аслида-чи, мавжуд вазият қандай? Бу борада, энг аввало, аёлларимизнинг фикри билан қизиқиб кўрайлик-чи?

Гулбахор БУРҲОНОВА,  
ҳамшира:

— Йилгирма тўққиз йилдан буён туман марказий оилавий шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлайман. Қишнинг қировли, ёзнинг жазирама кунларида автобус кутиб, бекатда қолиб кетган пайтларим машина ҳайдаб ўтган аёлларни кўриб ҳавасим келарди. Яқинда келин туширдим. Қозон-товоқдан қутулиб, вақтим бемалол бўлиб қолди. Ишдан кейин машина ҳайдашни ўрганаяман. Имтиҳонларни аъло даражада топширдим. Амалий машғулотларда ҳам яхши иштирок этаяпман. Бирор соат дарс қолдирсам, кимнидир умрига завоқ бўлмайин, деган ўй менга тинчлик бермайди. Жавобгарлик ҳисси ёшларга нисбатан катталарда кучли бўларкан.

4

## “ОБУНА — 2012”



### “Оила ва жамият”

газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар!  
Унутманг, сеvimли газетангизга обуна давом этмоқда.

Индекс — 176

## “Ранглар, орзулар ва туйғулар ҳамоҳанглиги”

Шундай шпор остида пойтахтимизда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ташаббуси билан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Бадий академия ҳамкорлигида бир неча кундири, санъат ҳафталиги доирасида олтинчи халқаро Тошкент замонавий санъат биеннаlesi ва мода намоишлари давом этмоқда.

“Фонд форум”нинг энг йирик лойиҳаларидан бўлган “Art

Week Style. Uz” тадбири муболағасида айтиш мумкинки, кейинги йилларда маданият ва



санъат ахлининг нуфузли байрамига айланиб қолди. Энг қувончлиси, юртимиз ижодкорлари учун эса катта тажриба мактаби вазифасини ўтаётди. Айниқса, мазкур VI халқаро биенналеда дунёнинг қатор давлатларидан келган 150 нафардан зиёд rassomлар ўзларининг шахсий кўргазма ва лойиҳаларини намоиш этишмоқда.

“Underground” деб номланган ёш модельер — дизайнерларнинг либослар намоиши, британилик модельерлар томонидан

яратилган либослар ва заргарлик буюмлари тўплами, Лондон мода коллежи ўқитувчиларининг маҳорат дарслари кўпчилида катта таассурот қолдирди.

Санъат ҳафталиги доирасида уюштирилган “Theatre. Uz /2011” иккинчи халқаро фестивали дастурига биноан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида халқаро форум ҳам ўтказилди.

**Барно МИРЗААХМЕДОВА,**  
**«Оила ва жамият»**  
**муҳбири.**

## 2011— КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

### ОИЛАЛАР ДАРОМАДИ ОШМОҚДА

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни юритиш ва ривожлантириш жараёни янги босқичга кўтарилмоқда. Президентимиз Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида “Бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди”, дея таъкидлаганликлар ҳам бежиз эмас.

Яқинда хоразмлик бир хонадонга америкалик Патрик ва Маргарита хонимлар ташир буюришди. Боиси, Фароғат Саъдуллаеванинг зардўз кўрпачалари Америкага етиб борибди. Асл касби ўқитувчилик бўлган опахон 70 нафар аёлни ўз атрофига бирлаштирган. Демак, шунча оилага мунтазам равишда қўшимча даромад кириб турибди... Хозирда Хоразм вилоятининг ўзида 11 минг 200 дан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Қув-

нарлиси, уларнинг ҳар бирига ҳукуматимиз томонидан моддий ва маънавий кўмак берилмоқда. Солиқ бўйича ҳам қатор имтиёзлар яратилиб, қам фойзли кредитлар ажратилаяпти.

Мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланаётган оилалар ой сайин ошиб бормоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатаяптики, ўз даромад манбаи ва тирикчилик воситасига эга бўлган хонадонлар сони 2008 йили 85,1 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йили 89,9 фоизга етган. Бу кам таъминланган оилаларнинг тобора камайиб бораётганида ҳам ўз ифодасини топтоқда.

**Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ,**  
**Адлия вазирлиги масъул ходими.**

### ФАРОВОНЛИК КАЛИТИ

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурида белгилаб берилган мақсадли вазифаларни ҳаётга кенг татбиқ этишда жойлардаги ФХДЭ бўлимлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, бизнеснинг туманда мазкур муҳим ҳужжат ижросини таъминлаш учун

кенг миқёсдаги тадбирлар амалга ошириляпти. Масалан, худудимизда жойлашган 7 та касб-хунар коллежлари битирувчилари ўртасида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда давра суҳбатлари, учрашувлар уюштирилиб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларни тадбиркорликка йўналтириш бўйича изланишлар олиб бориляпти. Бунинг натижаси ўларок, ўтган йили қарийб 1300 нафар, яъни 89,4 фоиз ўқувчиларнинг бандлиги таъминланди. Бу борада туман ҳокимлиги, прокуратура, Бандликка кўмаклашиш маркази, “Микрокредитбанк” бўлими ва бошқа идоралар томонидан ўтказилган семинар-тренингларни алоҳида таъкидлашни истардик.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик оила таянчи, фаровонлиги калитидир. Чунки бу хайрли ҳаракат замирида ҳар бир оиланинг турмуш шароитини яхшилаш, яшаш даражасини ошириш, тўқинлигини таъминлаш билан бирга мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш омиллари ҳам ётибди.

**Дилфарўз ХАСАНОВА,**  
**Бекобод тумани ФХДЭ бўлими**  
**мутахассиси.**

### ҚАРОР ВА ИЖРО

— Табиий газдан белгиланган мақсаддан ташқари фойдаланилишига йўл қўймаслик ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар, газ истеъмолчилари ўзбошимчилик билан ўрнатиб олган қўлбола қурилмаларни аниқлаш юзасидан газ сотувчи ва газ узатиш ташкилотлари ишларини белгиланган тартибда назорат қилиш инспекциямиизнинг асосий вазифалари қаторига киради, — дейди “Ўздавнефтегаз инспекция” вилоят бўлими етакчи мутахассиси Жамшид Хидиров. — Бу бора-

да «Қаршишаҳаргаз» корхонасида олиб бориляётган ишлар ҳам эътиборга лойиқдир. Айниқса, корхона ходимлари қишлоқ фуқаролар ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида қарздорлик, тўловларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришяпти. Биз эса улар ҳузурда бўлиб, юзага келган камчилик ва муаммолар бўйича тегишли равишда ҳуқуқий маслаҳат ва кўрсатмаларни бердик.

Шу ўринда айтиш жоизки, филиал томонидан 2011-2012 йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари тегишли тартибда олиб боришмоқда. Хусусан, газ тарқатиш шохобчаларини мукаммал таъмирлаш, газ қувурларини ҳаво босими ёрдамида тозалаш, ер остида жойлашган қувурлари ҳолатини прибор усули билан текшириш, уларни бўяш каби бир қатор тадбирлар ўз вақтида амалга оширилди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги турмушимизни табиий газисиз тасаввур этиш қийин. Шундай экан, эҳтижимизга яраша фойдаланаётган кундалик табиий газ учун ҳақ тўлаш лозимлигини ёддан чиқармайлик. Эеро, халқимизда «Хисобли дўст айрилмас», деган нақл бежизга айтилмаган.

**Илҳом РАҲМОНОВ,**  
**«Оила ва жамият» муҳбири.**  
**Қашқадарё вилояти.**

### ЖАРАЁН

## Замон билан

### ҳамқадам Зомин

Бир замонлар Буюк ипак йўли бўйлаб Мағрибдан Маширқоқ томон сафарга чиққан не-не карвонлар тўхтаб ўтган кўна Зомин истиқлол йилларидагина бутунлай угача қиёфа ва кўринишга эга бўлганини алоҳида таъкидласак арийдим.

Туман ҳокимлиги қошида Зомин шаҳарчасини комплекс ривожлантириш, меъморий қиёфасини ўзгартириш, аҳоли турмушининг сифат даражасини ошириш бўйича ташкил этилган махсус штабдан берилган маълумотларга қараганда, қисқа муддат ичида худуддаги 35 та объектнинг янгидан қурилиши, 14 та объектнинг мукаммал реконструкция қилиниши кўзда тутилган. Хусусан, беш гектар майдонни эгаллаган хушманзара ва сўлим масканда «Ёшлар боғи», Мустақиллик кўчасида барча қулайликларга эга сайилгоҳ, Хотира майдони, Бахт уйи, бизнес маркази, кўргазмалар зали, буюм бозори, супермаркет, замонавий болалар мусика ва санъат мактаби, автошоҳабат, музей барпо этиляпти. Шу билан бирга, шаҳар чеккасида 50 гектарлик майдонда гўзал боғ яратилаяпти, намунали лойиҳа асосида 50 та уй-жой қад ростлаяпти, 10 километрик йўл халқаро андозлар даражасида қайта қуриляпти, 15 қачқирдан зиёд узунликдаги ичимлик суви тармоқлари янгиланаяпти.

— Зоминда туғилиб ўсганман, — дейди етмиш ёшли меҳнат факрийси Турсунбой ота Маматқаримов. — Лекин тушимизга ҳам кирмаган шундай замонлар. Юртбошимизга мингдан-миг раҳматлар айтаман. Тинчлик, фаровонлик, аҳиллик ҳукм сураётган юртимизга кўз тегмасин, илоҳ!

— Туманимиз марказининг меъморий қиёфасини ўзгартириш, кўрگاжа кўрк қўшишдек хайрли ишда иштирок этаётганимдан хурсандман, — дейди шаҳарчадаги болалар мусика ва санъат мактаби қурилишида қатнашаётган “Меорс” кўп тармоқли фирмаси ишчиси Шоҳруҳ Жўраев. — 1 миллиард 85 миллион сўм сарфланиб бунёд этилган замонавий бинода, насиб этса, бахтли фарзандларимиз таҳсил олади.

Мухтасар қилиб айтганда, Зомин кундан-кунга ўзгараёпти, қирой очаяпти.

**Донгул Жўраева,**  
**«Оила ва жамият» муҳбири.**  
**Объект вилояти.**

### 4 та “Дамас” ва 122 та велосипед

«Олимпия шон-шухрати» музейида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг велоспортни ривожлантириш ҳамда Велоспорт федерациясининг моддий-техник негизини мустаҳкамлашга ҳисса қўйиш борасидаги фаолиятига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳолини, айниқса, ёшларни спортга кенг жалб этиш, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор берилди. Истиқлол йилларида стадионлар, спорт мажмуалари ва ареналари, заллар, сузиш ҳавзалари 19 млрд сўм миқдордаги спорт жиҳозлари ва анжонлари билан таъминланди. Бунинг натижаси ўларок, спортчиларимиз жаҳон ареналарида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишмоқда.

Шу йил аввалида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши Ўзбекистон велоспорт федерациясининг бош хонийси этиб белгиланганди. Ўтган давр мобайнида барча вилоятларда худудий бўлимлари ташкил этилди. Шунингдек, спортчиларнинг ўқув-масгулотларини эмин-эркин ўтказиши учун шароит яратилиб, мунтазам равишда молиявий қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Тадбир доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш мақсадида 4 та “Дамас” русумли автомобиль ва 122 та профессионал ҳамда машқ велосипедлари тақдим этди.

**Иқбол ПАРДАЕВА,**  
**Шийрин АУЕЗХОНОВА**

## Олови ёқади, тўлови-чи?!



да. Лекин истеъмолчилар орасида табиий газ тўловларини кечиктираётган фуқаролар ҳам учраб турибди.

Дарҳақиқат, жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, қарздорлик суммаси амалда 17 миллион 756 минг сўмдан ошиб кетди. Шу боис «Қаршишаҳаргаз» филиали томонидан фуқаролик ишлари бўйича шаҳар судига 22512 та хонадон устидан тегишли тартибда аризалар берилди. Натижада уларнинг 10327 таси устидан суднинг асосланган кўрсатмалари чиқди. Қаршишаҳар прокуратурасига эса 30 та хонадон бўйича ноқонуний равишда ўзбошимчилик билан табиий газ тармоғига улангани учун аризалар берилди.

Бугун мамлакатимизнинг деярли барча худудларида аҳолига табиий газ етказиб бериш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифати тобора яхшиланиб бораёпти. «Жанубгазтаъминот» унитар корхонасига қарашли «Қаршишаҳаргаз» филиали аҳолига табиий газ етказиб бериш бўйича ўзига хос тажрибага эга, десак муболаға бўлмайди.

Хозирги кунда корхонада 200 нафар ходим фаолият кўрсатмоқда. Бўлим бошлиқларидан Сирожиддин Башкеров, Акмал Сайдалиев, Руслан Арипов, Ақром Ашуров, назоратчилардан Шухрат Нарзуллаев, Салим Раҳимовлар ўз вазифаларини сидқидилдан адо этишапти. Филиал жамоаси шаҳардаги 45010 та хонадонга хизмат кўрсатади. Мазкур худуддаги 62 та маҳалла фуқаролар йиғинининг барчасига назоратчилар тайинланган. Шунингдек, газдан улгуржи фойдаланувчи 1551 та ташкилот ва идоралар билан ҳам изчил равишда ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Маълумки, республикамизнинг барча жойларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги фармойишига биноан коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг дебиторлик қарздорлигини ҳатловдан ўқазиб бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда аниқланишича, истеъмолчилар орасида қарздорлик ҳолатлари кўп учраётди.

— Ҳукуматимиз томонидан чиқарилган фармойишда кўзда тутилган талаблар ижросини таъминлаш мақсадида Қарши шаҳрида изчил равишда тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди «Жанубгазтаъминот» унитар корхонасига қарашли «Қаршишаҳаргаз» филиали бошлиғи Тўлқун ҲАҚОҚОВ. — Хусусан, шаҳарда қарздорликни ўз вақтида аниқлаш, қўлайиб кетишига йўл қўймаслик, ҳисоб-китоб ва сотиш тизимини тақомиллаштириш, истеъмолчилар тўловларни ўз вақтида амалга ошириши, табиий газдан

— Буйракда тош ҳосил бўлиши кўп учрайдиган касалликлардан биридир. Унинг минтақавий ўзига хосликлари бор. Бу касалликнинг келиб чиқишига туртки бўладиган ҳолатлар кўп, унга маълум бир нарсанигина сабаб қилиб кўрсатиб бўлмайди. Кўпчилик буни билмайди. Масалан, айримлар уни танада модда алмашинувиининг бузилиши, қонда, сийдикда туз миқдорининг ортиб кетиши билан боғлиқ, деб ўйлайди. Лекин ҳаётий тажрибалар шуни кўрсатаптики, бу дардинг келиб чиқишига, аввало, тугма нуқсонлар, ирсий касалликлар ҳам яхшигина замин яратар экан.

— Демак, хасталик бола ҳали она қорнида ҳомила бўлган пайтида ноқош бўлиши мумкин...

— Ҳа, ўша пайтда онанинг айрим касалликларга чалиниши ва бунга эътиборсизлиги исзис кетмайди. Оддий шамоллашни олайлик: агар она шамолласа, бу ҳомилага таъсир этади, унинг асоратлари кейинчалик ҳам давом этаверади. Ўткир касалликларда дарров тана харорати кўтарилади ёки оғриқли хуржлар бўлади. Шунинг учун унга нисбатан дарров даво чоралари қўлланилади. Аммо сурункали касалликларнинг белгилари сезилмайди. Буйрак шамоллашининг белгилари ҳам маълум муддатгача яширин бўлади, уни билмай ўтказиб юбориш мумкин. Шунингдек, одамлар ўзига ҳали тўғри ташхис қўйилмасдан туриб, билиб-билмасдан дори ичишлари ҳам буйрак фаолиятига таъсир этади. Тош ҳосил бўлгач, бирданига қаттиқ оғриқ тутади...

— Оддий кишилар назарида буйракда тош ҳосил бўлишининг шамоллашга ҳеч қандай алоқаси йўқдай...

— Бу нотўғри фикр. Чунки шамоллаган буйрак яллиғланади, яллиғланган жойга тош ёпишиб тўплана бошлайди. Аммо унинг асоратлари қутилмаганда юзага чиқади, туппа-тузук юрган одамнинг бел соҳасида оғриқ бошланади, тутқаноқ каби қаттиқ оғриқ беради.

— Унгача бирор-бир аломатлар билинмайдими?

— Билинади. Тез-тез сийиш, ёлгондакам, яъни пешоб тўпланмаса ҳам ҳолатга бориш истаги, баъзан иситма кўтарилиши ҳолатлари бўлиши мумкин. Кичкина тошлар силжиганда ҳам ҳеч қандай аломат сезилмайди, одам худди ҳеч нарса бўлмагандек юраверади. Каттарган тошлар ҳам бир жойда қумирламай турса, ўзидан белги бермаслиги мумкин, у ўрнидан силжиганда оғриқлар бошланади, сийдик

Баъзан илгари тузилган далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш зарурияти туғилиб қолиши табиий.

Юртимиз ҳудудида тузилган фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш етарли асослар мавжуд бўлиб, манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлмагандар яшаш жойидаги ёки ушбу далолатнома ёзувлари сақланаётган жойдаги ФХДё идорасига белгиланган шаклда ариза билан мурожаат қилинганда амалга оширилади.

Агар далолатнома ёзуви республика миздан ташқарида бўлса, аризачининг доимий яшаш жойидаги ФХДё идорасига мурожаат қилинади. Сўнгра ФХДё органи барча ҳужжатларни тўплаб, ижро қилиш учун далолатнома тузилган бошқа республиканинг тегишли идорасига юборилади.

Далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш қуйи-

...Қарийб бир йилдан буён буйрак тош касаллигидан азоб тортган Абдужаббор ака Усмонов жароҳлиқ амалиётдан кейин гўё қайтадан дунёга келгандек эди. Шифокорларга қандай миннатдорлик билдиришни билмайди. Гарчи бундай операциялар мунтазам равишда ўтказилса-да, уларнинг ҳар бири шифокорлар учун мисоли бир имтихон. Чунки ҳар бир организм ўзига хос, ҳар бир муолажа — инсон ҳаёти учун қурас.


Тошкент давлат педиатрия институти катталар клиникаси хирургия ва реанимация бўлими бошлиғи Аҳмадхон Аҳмедов билан кечган суҳбатимиз мавзуси ҳам ҳозиргина яқунланган операцияга сабаб бўлган дард — буйракда тош ҳосил бўлиши, унинг белгилари ва олдини олиш тўғрисида.

## Буйракни тошдан асранг!

қизаради. Белда, қоринда оғриқ пайдо бўлгандан кейин шифокорга югуриш бошланади, текшир-текшир, лаборатория таҳлиллари, УЗИ... хуллас, шу ҳолатга тушгунча бирор марта уролог қабулига бормай юрганлар оз эмас.

— Баъзан бир қаттиқ оғриқ тутиб, кейин такрорланмаслиги ҳам мумкинми? Шундай вазиятда “Ўтиб кетди, энди яхши бўлиб қолдим”, деб бамайлихотир юриш ҳоллари ҳам учраса керак?

— Юқорида айтганимдек, буйрак тош касаллиги баъзан қоринга ҳам оғриқ бериши мумкин. Шундай пайтда ошқозон-ичак касалликлари дўхтирига учраш, оқибатда, касалликка нотўғри ташхис қўйилиб, нотўғри муолажалар қилиш ҳоллари ҳам, афсуски, йўқ эмас. Шу ўринда айтиш керакки, вақтида ва охиригача даволанмаган буйрак касалликларининг тананинг бошқа аъзолари ишига салбий таъсир этади. Чунки организмга тушган ҳамма захарларнинг ортиқчаси буйрак орқали ташқарига чиқиб кетади. Агар буйрак яхши ишласа, қондаги захар миқдори ортиб, мия захарланади, одам вос-вос бўлиб қолади. Кейин жигар захарланиши натижасида ўз вазифасини бажаролмайди; қорин, кўкрак қафаси ва



бундан организмда шишиш бошланади. Бундай оғир дардга чалинмаслик учун, аввало, инсоннинг ўзи ўзига талабчан, ғамхўр табиб бўлиши керак.

— Буйракдаги тош қандай муҳдатда шаклланиб катталашади?

— Бирданига катталашмайди. Сийдик кислоталари кўпайса, секин-аста унинг чўкиндилари буйракда тўпланиб боради. Баъзилар “Сийсам ачишади”, дейди, мана шу кислота миқдорининг ошганидан дарак. Шунингдек, пешобдаги меъеридан ортиқча тузлар ҳам буйракка ёпишади. Бу ҳолатлар лаборатория

### СОҒЛИГИНГ — БОЙЛИГИНГ

таҳлилларида аниқланади, вақти-вақти билан шифокор кўригидан ўтиб турилса, дард кучаймасдан туриб даво чоралари кўрилади. Аммо шуни унутмаслик керакки, бу касаллик бир ой-ярим ой давомида ичилган дори-дармон билан бирданига тузалиб кетмайди, сабр-тоқат билан охиригача даволанганлар кейин қийналмайдилар.

— Охириги пайтларда бу касалликни турли йўллار билан даволаш усуллари ҳам кўпайди...

— Республикаимизнинг барча

таркибидаги кислоталар буйракка тош бўлиб чўкади.

Ҳозир сотувда турли хил рангдаги салқин ичимликлар кўп. Уларни тайёрлашда асосан табиий мевалардан эмас, уларнинг таъмини, ҳидини берадиган кимёвий бирикмалардан фойдаланилади. Идишининг устига бекорга совутилган ҳолда ичиш керак деб ёзиб қўйилмаган. Чунки бу ичимликларни бироз қиздирсангиз, ранги алоҳида, чўкиндиси алоҳида бўлиб ажрала бошлайди. Тасаввур қилингки, истезмол қилинган рангли сувнинг чўкиндилари жигар ва буйракка ўрнашади. Табиий мевалардан тайёрланган компотлар, шарбатлар эса инсон танасига куч-қувват беради, дори-дармон бўлади. Яна, энг муҳими, халқимизда бу дардининг олдини оладиган усуллар кўп. Республикаимизда ўсадиган пол-пола, кийик ўти ўсимлиги, наъматак меваси, жўхори пўпаги давласини ичиб туриш буйракни ювади, шамоллашининг олдини олади. Жўхори пўпаги давласини йиллаб чой ўрнида ичиш мумкин.

Шу ўринда бир фикрга эътиборингизни қаратмоқчиман: ҳар қанча даволаниши, эҳтиёткорлигига қарамай, баъзиларда касалликка мойиллик кучли бўлади. Бунинг сабаби — уларнинг вужудига, тана аъзоларига отанасида кечган ёки ўзи беларволик билан ўтказиб юборган сурункали касалликларнинг асоратлари давом этаётган бўлиши мумкин.

Устозларимиз профессор Жуманазар Бекназаров, доцент В. П. Ким илмий изланишлар, амалий тажрибалар асосида тугма нуқсонлар ҳам буйрак-тош касалликлари келиб чиқишига сабабчи эканини фанда исботламоқдалар.

Шу боис саломатликдек бебахо бойлики асраш учун, аввало, оилада жиддий ва изчил ғамхўрлик керак. Ҳукуматимиз томонидан янги оила кураётган ёшларнинг тиббий кўриқдан ўтиши ҳақида махсус қарор қабул қилингани бежиз эмас. Давлатимизнинг бу сиёсати келажак авлодимиз баркамол бўлишидек эзгу мақсадга қаратилган. Тиббий кўриқдан ўтиш жараёнида аниқланган касалликларни охиригача даволаб, кейин янги ҳаётга қадам қўйган йигит-қизлар ҳам жирмонан, ҳам маънан соғлом фарзандларга ота-она бўлиш учун замин яратган бўладилар.

Мухтарома УЛУҒОВА  
суҳбатлашди.

## Етарли асос бўлсагина...

даги ҳолатларда амалга оширилади:

— тарихий ва миллий анъаналарга риоя қилиш мақсадида фамилияси, исми, ота исмини ёздириб истаги бўлганда. Масалан, исмининг охиридаги хон, хўжа, ҳожи, бек, бону, биби, бегим, зода, мир, абду ва ота исмини ёзишда евич, ович, евна, овна, қизи, ўғли қўшимчаларини киритишни истаसा;

— оталик белгиланганда, яъни ёлғиз онадан туғилган боланинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувида отаси ҳақида маълумотлар киритиш бўйича ота-онанинг ихтиёрий аризаси ёки суднинг ҳал қилув қарорига асосан;

— фарзандликка олиш бўйича ҳоким қарорига биноан;

— ота-онанинг ўзаро келишувига кўра ёки ҳоким қарорига кўра вояга етмаган боланинг фамилия, исми ўзгартирилганда;

— имло хато ва ноаниқлик бўлганда, шунингдек, туғилган вақти, жойи ва отасининг исми ёзилмай қолганда;

— далолатнома ёзувида исми қисқартириб ёки эркатлиш шаклида ёзилган бўлса. Масалан, Мохчеҳра — Мохичеҳрага, Батир — Ботирга ўзгартирилиши мумкин.

— Фуқаронинг жинси ўзгарганида далолатнома ёзувида ўзгартириш киритиш тиббиёт муассасасининг хулосасига асосан амалга оширилади.

16 ёшга тўлмаган болаларнинг туғилиш ҳақидаги ёзувлар дафтарига ўзгартириш киритиш учун ота-онанинг аризасига биноан амалга оширилади. Бола 16 ёшга тўлган бўлса, ўз розилиги ҳам талаб қилинади.

16 ёшга тўлган шахсларнинг туғилиш, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралишни қайд

### ФХДё ФАОЛИЯТИ

этиш дафтарларига ўзгартиришлар киритиш ўз аризаларига биноан амалга оширилади. 16 ёшдан 18 ёшгача ота-онанинг розилик аризаси ҳам олинади.

Айрим ҳолатларда ота-она қонуний ажрашган бўлиб, боланинг далолатнома ёзувида ўзгартиришлар киритишнинг сўраб ота ёки она мурожаат қилади. Бу ҳолатда ота-онанинг қонуний равишда никоҳ бекор қилинган бўлса-да, албатта, ҳар иккисининг аризаси бўлиши керак. Никоҳга қиршда умумий фамилия танлаб, никоҳдан ажралишда олдинги фамилиясига қайтган фуқаролар, албатта, суд қарорига ёки никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳномага асосан паспортни алмаштириши мақсадида паспорт бўлимига мурожаат қилиши лозим.

Насиба ТўРАЕВА,  
Хатирчи туман ФХДё  
бўлими мудир.

**Гулчехра УМАРОВА,  
уй бекаси:**

— Қўрай туманида яшаймиз. Уч нафар фарзандим бор. Кичик қизим шаҳарда ўқийди. Ҳар кун эрталаб дадаси уни ўқишига ташлаб, кейин ишга кетади. Менинг эса вақтим бемалол. Турмуш ўртоғимнинг оғирини енгил қилиш мақсадида машина ҳайдашни ўрганишга аҳд қилдим. Авто мактабга қатнай бошлаганимга бир ярим ой бўлди. Шу давр мобайнида оғохлантурувчи, имтиёзли белгиларни ўргандим. Чорраҳада қандай ҳаракат қилиш кераклигини билиб олдим. Яна, аккумуляторни суви тугаб қолганда қандай сув куйиш, машина қизиб кетганда қандай йўл тутиш ҳақида ҳам маълумотларга эга бўлдим.

Ўқинда бир танишим дангиллама ҳовлисини сотиб, икки хонали квартира ва қизига "Ласетти" олди. "Шундай уйни бекор сотибсиз-да, катлақдек квартирадан ҳовли яхши эмасми?" десам, "Кўяверинг, "зато", қизимга тезроқ совчи чиқади", деса бўладими? Илгари қиз бола ҳақида гап кетса, фалончининг қизи ораста, чевар, пазанда, деган сифатлар айтиб ўтиларди. Бугун машина ҳайдашни билиш асосий фазилатлардан бирига айланганим? Жигарбандларини қимматбахо машинага ўтказиб, катта йўлга кузатиб қўяётган отаоналар ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилишни ҳам таъкидлашса, яхши бўларди. Шунда хотин-қизларимиз томонидан содир этилаётган қоидабузарликлар сони камайган бўлармиди?

**Мансуржон РИХСИЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси матбуот хизмати катта инспектори,  
подполковник:**

— Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида аёл ҳайдовчилар иштирокида 142 та (2010 йилнинг шу даврида бу

нида номаълум ҳайдовчи йўлни кесиб ўтаётган пиеда Ш. Тоштемировни (исм-фамилиялар ўзгартirilган) уриб юбориб, воқеа жойидан қочиб кетган. Қидирув ва суриштирув ишлари натижасида ушбу ҳодиса Куйи Чирчиқ туманида яшовчи Ф. Исмамова Тошкент шаҳар Ҳамза туманида яшовчи Ж. Мўминовага тегишли "Матиз" русумли автомобиль билан содир этилгани аниқланди.

2011 йил 6 октябрь кун соат 20:15 ларда Тошкент вилояти Зангиота туманида яшовчи У. Амирова Тошкент шаҳри Юнусов туманида яшовчи Б. Бобоновога тегишли "Матиз" автомобилли ишонч қозғосиз бошқараётиб, йўлнинг ўнг томонидан кетаётган уч нафар пиедани уриб юборган. Бундан ташқари, биргина Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ томонидан ўтган

Ҳозир 13-14 нафарини аёллар ташкил этапти. Мен бунга ижобий қарайман. Бироқ нозик жинс вакилларига вазни уч ярим тоннадан ортиқ бўлган автомобилни бошқариш тақиқланади. Шу боис муассасамизда хотин-қизларни фақат "В" гуруҳига ўқитиш йўлга қўйилган.

**Абдумалик ШОМОНОВ,  
ушбу таълим муассасаси  
ўқитувчиси:**

— Автобазада бошқарувчи бўлиб ишлаб юрган кезларим Мукаррам опа деган ҳайдовчи аёл бўларди, кўчада ҳаммамнинг эътибори тортарди. У пайтларда ўзбек қизининг ҳайдовчилик қилиши учувчилик билан тенг эди-да. Қачон қайтишидан қатъи назар, Мукаррам опанинг машинаси навбатсиз таъмирлаб бериларди. Ҳозир эса аёл бўладими,

**ДОЛЗАРЪ МАВЗУ**

баби, мўлжални аниқ олишга кўп қийналишади. Бирор фалокат юз берса, автомобили бузилиб қолса, ўзларини йўқотиб қўйишади. Йўл қондасини муқаммал ўрганиш аёлларнинг ёши, касбига ҳам боғлиқ. Масалан, қоллеж, олий ўқув юртини битириб келган қизлар ва кекса ёшли аёлларга қараганда 30-40 ёшлилар билан ишлаш осонроқ. Агар эътибор қилсангиз, кўпича хотин-қизлар бошқараётган автомашинага "ўрганувчи", "аёл" белгиси қўйилади. Бу "Эҳтиёт бўлинг!" деган маънони билдиради, бошқа ҳайдовчиларни оғохлантириб туради. Лекин бу аёлларга ҳеч қандай имтиёз бермайди.

**Одинахон ОТАЖОНОВА,  
психолог:**

— Аёл киши рулга ўтирганида ўзига ишончи ортади, оиладаги муаммоларни ҳам қатъият билан ҳал қила бошлайди. Хотин-қизлар йўл қоидаларига ўта масъулият билан ёндашади. Аммо ўзидаги бор нарсани аτροφидидаги дугоналари, яқинларига кўз-кўз қилиш аёлларимиз табиатига хос. Шу маънода кўпчилик опа-сингилларимиз

# РУЛДАГИ МАЛИКАЛАР

тўққиз ой давомиди аёл ҳайдовчилар йўл қўйган 12 790 та қоидабузарлик аниқланган. Жумладан, 163 та маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш, 380 та светофорнинг тақиқловчи чирроғига риоя қилмаслик ҳамда 48 та ички ишлар ходимининг тўхташ тўғрисидаги қонуний талабига бўйсунмаслик ҳолати содир этилган.

Масалан, 1974 йили туғилган А. Умидова "Нексия" русумли автомобиллини, 1984 йили туғилган С. Фаёзова "Матиз" автомобиллини маст ҳолда бошқараётганда ЙПХ ходимлари томонидан тўхтатилиб, маъмурий баённома расмийлаштирилган. Суд қарори билан ҳар иккиси ҳам 24 ойга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилди.

ёш қизми — ҳамма унга ҳаракат иштирокчиси деб қарайди. Чунки бошқа соҳалар каби ҳайдовчилик борасида ҳам аёлларимиз аллақачон ўз ўрнини эгаллашди. Тўғриси айтсам, аёл курсантлар билан ишлаш бирмунча осонроқ, берилган топшириқларни масъулият билан бажаришади-да. Йигитларга бирор мавзу бўйича топшириқ берсам, ё эсидан чиқиб қолади, ё вақти йўқлигини баҳона қилади. Хотин-қизлар транспорт воситасини бошқаришда ҳам тазаликка эътибор беришади. Машинасини носоз ҳолда ҳайдамайди. Биз эркаклар эса эртага тузатарман, деб миниб чиқиб кетаверамиз. Фақат аёлларда кўрқув ва ўзига ишончсизлики енгил учун бироз вақт керак бўлади.

**Шораҳим АКБАРОВ,  
ўқитувчи:**

— Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун шу йил 27 апрелдан расман кучга кирди. Унга кўра, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкогольли ичимлик, гиёҳванд модда таъсири ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши учун қўлланиладиган жазо чораси кучайтирилди. Энди бундай ҳуқуқбузарликлар учун бир йилу олти ойдан уч йилгача транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси қўлланилади. Ушбу қонун кучга кирганидан сўнг аёлини ҳайдовчиликка ўқитиш истагидаги эркаклар сони анча кўпайди.

**Улғабек СУЛТОННИЁЗОВ,  
инструктор:**

— Ҳар кун беш-олти нафар аёл ҳайдовчи билан шаҳар бўйлаб амалий машғулотларга чиқамиз. Албатта, улар билан ишлаш нисбатан қийинроқ. Са-

машина ҳайдашни бир мавқе, мартаба деб билилади. Яна бир салбий жиҳати, хотин-қизларда ҳис-ҳаяжонга берилиш кучлироқ; улар озгина муаммога дуч келишса-да, ўзларини йўқотиб қўйишади. Оқибатда, йўл транспорт ҳодисасини содир этишлари ҳам ҳеч гап эмас. Масалан, йўлда кетаётиб, дазмолни ўчирмагани ёки боласини боғчадан олмагани эсига тушиб қолса ҳам, ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмай қолиши, қоидаларни бузиши мумкин.

Қизлар тарбиясида уй юмушларини эплашга кўпроқ эътибор берилади. Уйинчоқ олиб беришганида ҳам кўғирчоқ, ошхона буюмлари сотиб олишади. Техника билан боғлиқ уйинчоқлар эса фақат ўғил болаларга совға қилинади. Бу билан кичик ёшда ноқ техникага нисбатан қизиқиш ва иштиёқ ўйғотилади. Демак, аёлларда техника билан тиллашишда бирмунча қийинчиликлар юзага келиши табиий ҳолдир.

Алқисса, аёлларимизнинг машина ҳайдаши ижобий ҳолат. Чунки хотин-қизларимиз турмуш ўртокларининг олдига фақат ўз талабларини қўймай, уларга елкадош бўлиш, оғирини енгил қилиш, оила фаровонлигига ҳисса қўиш учун ҳаракат қилишяпти. Аммо аёл машина рулига ўтирадимиз, эркакнинг вазифасини бажарамиз, ҳар қандай ҳолатда ҳам аёллигини унутмаслиги зарур.

Мунозара эса ҳали яна давом этади. Фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.

**Нигора РАҲМОНОВА,  
"Оила ва жамият" муҳбири.**



**ТЕГИРМОН** — тилимизда ғалани ун қилиб, шоплини оқлаб, гуруч қилиб берадиган қурилма номини англатган "тегирмон" сўзи асли "айлан" маъносидаги "тегир" сўзидан келиб чиққан. Бу қадимий сўз ҳозир ҳам тилимизда "айлана" мазмундаги "тегра" шаклида сақланиб қолган. "Теварак" сўзи ҳам шундан келиб чиққан. Демак, "тегирмон" сўзи "тегра", "теварак" сўзлари билан алоқадордир.

**Сой бўйида беҳисоб дарахтлар орасига кўмилган тегирмон гувиллар эди.**

*Абдулла Қаҳҳор*

**СТУДИЯ** — "телестудия", "радиостудия" деган сўзларни кўп ишлатамиз. "Студия" сўзи тилимизга италян тилидан кириб келган бўлиб, унинг туб илдири "ҳафсала", "қунт", "ўқиш-ўрганиш" деган маъноларни билдиради.

**Ҳужжатли фильмлар студияси. Театр студияси.**

**УРФ** — тилимизда "одаг", "таомил", "расм-русум" маъноларини англатадиган "урф" сўзининг туб илдири "билди", "таниди" деган маънони ифодалайди. Демак, "урф" сўзи асли "ориф", "маърифат", "этироф" сўзлари билан битта илдиридан келиб чиққан.

**Ҳар бир халқнинг ўз урфи бор.**

*Газетадан*

**ОРДОНА** — жонли тилда "ордона қолсин" деган иборани аёллар кўп ишлатадилар. Бироқ унинг туб маъноси нима эканини билмайдилар. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" да келтирилишича, "ордона" сўзи "эгасиз қолган", "эгаси ўлап" деган маъноларни билдиради. Шунинг учун бу сўзни қўллаётганда эҳтиёт бўлиш керак.

**Эшқобил ШУКУР тайёрлади.**



кўрсаткич 125 та эди) йўл-транспорт ҳодисаси содир этилди. Бу ҳодисаларда 11 нафар (ўтган йилнинг дастлабки уч чорагида 18 нафар эди) аёл ҳайдовчи ҳалок бўлди ва 189 нафар (2010 йил октябргагача 147 нафар эди) аёл турли даражадаги тан жароҳати олди. Аёл ҳайдовчилар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона вилоятларида ўтган йилдаги нисбатан осган.

Мисол учун, 2011 йил 26 сентябрь кун соат 00:20 ларда Тошкент вилояти Янгийўл туманида

Гап йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш тўғрисида кетар экан, пойтахтимиздаги автомактабларда хотин-қизларни ўқитиш жараёни билан қизикдик.

**Мукторжон ХОЛИҚНАЗАРОВ,  
Мудофаага кўмаклашувчи  
"Ватанпарвар" ташкилоти  
Бектемир ўқув спорт техника клуби нодавлат таълим муассасаси директори:**

— Ўқув машғулотларимиз уч вақтда — эрталаб соат тўққиз, тушдан кейин иккида ва кечки олтида бошланади. Бундан уч-тўрт йил олдин битта гуруҳдаги 30 нафар кишидан атиги 2-3 нафари хотин-қизлар бўлар эди.

АДЛИЯ ФАОЛИЯТИ

# Оталик қандай белгиланади?

Оилада отанинг ўрни беки- ёс. У нафақат хонадон бошлиги, балки оила таянчи, ишончи ва гурури ҳамдир. Бироқ ҳаётда ҳамма оталар ҳам ўз оиласи олдидаги бурч ва масъулиятини ҳис этавермайди. Баъзида ўз фарзандидан тонган оталар ҳам учраб туради. Шу боис айримлар ҳуқуқшуносларга "Оталикни белгилаш тушунчаси нима?", "У қандай ҳолатларда амалга оширилиши?" каби саволлар билан мурожаат этишади.

Қонун "тили" билан айтадиган бўлсак, оталикни белгилаш тушунчаси ўзаро никоҳда бўлмаган шахслар ўртасида фарзанд туғилиши ва унга насл-насаб белгиланиши муносабати билан юзага келади. Бу масала ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлашга асос бўлади. "Оила кодекси"га биноан, ўзаро никоҳда бўлган шахслардан туғилган болаларга тўғридан-тўғри ота-онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома асосида; никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган болаларга ота-онанинг биргаликдаги аризаси ё отанинг аризасига биноан; суднинг оталикни белгилаш ҳақидаги ҳал қилув қарори асосида, агар бундай қарор бўлмаса, отанинг ёки онанинг фамилияси бўйича, отанинг исми, фамилияси ва миллати онанинг кўрсатмаси асосида бо- ланинг отаси умумий қоидалар асосида ёзилиши мумкин. "Оила кодекси"нинг 64-моддасида қонунда назарда тутилган тартибда оталик белгиланганда болалар ота-онани ва уларнинг қариндошларига нисбатан ўзаро никоҳда бўлган шахслардан туғилган болалар билан тенг ҳуқуқ

ва мажбуриятларга эга бўлиши кўрсатилган.

Оталикни белгилаш ҳолатларининг асосий қисми қонуний никоҳдан ўтилмай, шаръий одалар бўйича қурилган оилаларда учрамоқда. Айримлар икки-уч йил эр-хотин бўлиб яшаб, сўнг ажрашиб ҳам кетишади. Оқибатда, болалар тирик етимга айланади, она шўрлик алимент ундириш мақсадида судма-суд югуради. Баъзи оталар эса ҳатто



ўз дилбандларидан тонишга ҳам ҳаракат қилишади.

Масалан, туманимизда шаръий никоҳ орқали оила қурганлар аниқлиб, уларни қонуний никоҳдан ўтказиш учун тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Айтиш жоизки, бу борада кўрсаткичлар маълум даражада ижобий томонга ҳам ўзгармоқда. Оталикни белгилаш ҳолати жорий йилнинг олти ойида 2010 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 35 тага камайди. Бунда қишлоқ ва маҳалла йигинлари, туман хотин-қизлар қўмитаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим ўрин тутди.

**Маҳбуба РАЖАБОВА,**  
**Зомин тумани ФХД**  
**бўлими мудир.**

— Мулкларни ижарага бериш тартиби Фуқаролик кодексининг 34-бобида белгиланган.

Хусусан, транспорт воситасини ижарага бериш шартномаси орқали — "Ижарага берувчи", "Ижарага олувчи"га ўз ҳисобидаги автомобилни фойдаланиш, аҳолига, хусусий ва давлат корхона-ташкilotларига транспорт хизмати кўрсатиш учун техник жиҳатдан сод далолатнома асосида ижарага беради.

Шартнома муддатидан қатъи назар ёзма шаклда тузилиши шарт. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автомобилотранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Агар транспорт воситасини ижарага бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, транспорт воситасини сўғурта қилиш ва етказилиши мумкин бўлган зарар учун жавобгарлики сўғурталаш маж-

САВОЛ-ЖАВОБ

## Автомашина ижара шартномаси

Ўзимнинг микроавтотранспорт воситасини бошқа шахсга вақтинча фойдаланиш учун бермоқчиман. Икки ўртада шартнома тузилиши кераклиги тўғрисида эшитгандим. Шу ҳақда ба- тафсил маълумот берсангиз.

**А. Олимжонов,**  
**Риштон тумани.**

бурияти, бундай сўғурталаш қонун ёки шартномага мувофиқ мажбурий бўлса, ижарага берувчи зиммасига юклатилади.

Шартноманинг шартлари бирор томондан бажарилмай қолса, исталган пайтда бекор қилиниши мумкин. Ўртада содир бўлган низолар қонун асосида судлар орқали ҳал этилади.

Шартнома уч нусхада тузилади, бир нусхаси шартнома тасдиқланган нотариал идорада қолади, қолганлари томонларга берилади. Шартнома тасдиқланган кундан бошлаб кучга кира-

ди ва муддати уч йил.

Транспорт воситаси ҳалокатга учраган ёки шикастланган тақдирда, агар ижарага берувчи транспорт воситаси қонун ёки шартномага мувофиқ ижарага олувчи жавобгар бўладиган ҳолатларда ҳалокатга учраганини ёки шикастланганини исбот қилса, ижарага олувчи етказилган зарарни ижарага берувчига тўлаши шарт.

**Саволга Риштон туман**  
**1-сонли ДНИ нотариуси**  
**Дилшоджон ХОЛДАРОВ**  
**жавоб берди.**

## Кема ҳам кўчмас мулк

Кўчмас мулк деганда нималарни тушу- нимиз керак? Боғлар ҳам шунга кира- дими? Эшитишимизча, кўчмас мулкнинг баъзи турлари тасарруф қилинавермас экан? Негиз?

**А. Исмаилов,**  
**Шахрисабз тумани.**

Кўчмас мол-мулкнинг қуйидаги турлари мав- жуд:

- а) мол-мулк мажмуи сифатидаги корхона;
- б) турар-жой бинолари;
- в) ероти қатламида, ер бағрида жойлашган объектлар (қонлар, шахталар, горлар, ероти сув ҳавзалари, тоннеллар);

г) жойлашган жойдаги ер сатҳи билан узвий мустақим боғлиқ объектлар (бинолар, иншоотлар, боғлар, ўрмонлар, қўллар, дарёлар, ариқлар);

д) ер участкалари;

е) гарчи ер билан боғлиқ бўлмаса-да, алоҳида қийматга эга бўлгани сабабли фуқаролик муомаласида кўчмас мол-мулкнинг ҳуқуқий режими жорий қилинган объектлар — денгиз ва ҳаво кемалари, фазо объектлари.

Кўчмас мулкнинг ҳар қандай тури ҳам тасарруф қилинавермайди. Масалан, ероти бойликлар, кўп йиллик дов-дарахтлар. Чунки буларга нисбатан давлат манфаати устун туради.

## Корхонани сотиш учун...

Хусусий корхонамни сотмоқчи эдим. Шу ҳақдаги шартномани тасдиқлаш учун нотариусга қандай ҳужжатлар тақдим этишим керак?

**Р. Раҳматуллаев,**  
**Миробод тумани.**

Корхонани сотиш шартномасини тасдиқлаш вақтида нотариусга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Сотилаётган корхонанинг сотувчига мулк ҳуқуқи асосида тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатлар.
2. Харидор ёки сотувчи коллегиял орган бўлганида ваколатли органнинг сотиш ёки сотиб олиш тўғрисида чиқарган қарори.
3. Томонларнинг корхонани олди-сотди шартномаси тузишга ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлари.
4. Сотилаётган корхонанинг белгиланган қоидаларга мувофиқ ўтказилган, томонлар тарафидан тузилган, кўриб чиқилган ва имзоланган

таркиби тўлиқ инвентаризация қилинган баҳолаш далолатномаси.

5. Бухгалтерия баланси.
6. Корхонанинг нарх ва таркиби тўғрисидаги мустақил аудиторнинг ҳулосаси.
7. Корхона таркибига киритилган қарзлар (мажбуриятлар) рўйхати (қарздорлари, миқдори ва талаб этиш муддати кўрсатилган ҳолда).
8. Техник инвентаризация бюроси (ёки давлат рўйхатидан ўтказувчи бошқа органнинг) кўчмас мулкнинг унинг эгаси номига қайд этилгани тўғрисидаги техник маълумотномаси.
9. Архитектура-режалоштириш бошқармасининг иншоотларни бузиш ҳақида ҳокимият қарори йўқлиги бўйича маълумотномаси.
10. Ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқини белгиловчи давлат далолатномаси.

**Саволларга Юнусобод тумани**  
**2-сонли ДНИ нотариуси**  
**Мавлуда АБДУЛЛАЕВА**  
**жавоб берди.**

## Кўнгил

ҚАТРАЛАР

Инсон кўзига кўринмас, қўлга илинмас, бироқ уни куну тун бошқариб турадиган, яхшиликка етаклайдиган, ёмонликдан қайтарадиган бир куч бор, бу КўНГИЛдир. Халқона тил билан айтганда, кўнгил кўйига, кўнгил кўчасига бўйсуниб яшаймиз.

Кўнгил — султон, унинг ҳукмига сўзсиз кўнаимиз. Баъзан эса хатоликларга йўл қўямиз, бунга ҳам алдамчи кўнглимиз сабабчи бўлади. Бу дунёда кўзимиз кўриб, қўлимиз билан тўтиб бўлмайдиган шундай моддий ёхуд маънавий неъматлар борки, барига кўнглимиз орқали эгалик қилмоққа шошиламиз. Лекин...

Йўқ, азизлар, кўнгил — донишманд, у ақл кўзи, виждон ва иймон нуридир. Содир бўлиши қутилаётган қувончли воқеа ёки бахтсизликни ҳам олдиндан сезиб, ҳис этадиган хабарчимиз ҳам у! Муҳаббат эса ана шу бебаҳо мулкнинг энг қадри хазинасидир. Кўнгил бермоқ дунё бермоқ билан баробар эканини ҳаммамиз ҳам англайвермаймиз.

## Тасаввур

Мен сени осмонга қиёслайман. Унда яхши-ёмон "юлдузли го"лар борга ўхшайди. Яхшилари ўзининг беғубор, сўнмас нуллари ила кечаю кундузимизни ёритиб турса, ёмонлари хира, сўнқ шўьалари билан кўнгилларни вайрон қилмоққа уринади. Эзгуликка эш бўлиш "юлдуз"лар ҳаммиса савобли ишларга бош-қош, ҳамроҳлик қилса, ёвузликка мойиллари қоронғуликка сингиб кетаверади.

**Моҳинур ЮСУПОВА,**  
**Тошкент давлат юридик институти талабаси.**

Реклама Реклама Реклама Реклама Реклама Реклама

### «ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тўқувчилик — 2-3 ой.  
Инглиз тили — 3 ой.  
Рус тили — 3 ой.  
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.  
Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.  
Компьютер сабоқлари — 2 ой.  
Интернет — 1 ой.

**Барчаси амалиёти билан**  
Ётоқхона мавжуд.

**Ўқишни тугатганларга**  
**ДИПЛОМ берилади.**

Манзил: Юнусобод тумани 3-маъзе 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори бош томони орқасида.  
Тел: (8371) 221-17-95;  
221-77-72, 225-97-93 (18<sup>о</sup> дан 22<sup>о</sup> гача).

**ФИЛИАЛ**

Манзил: Хамза тумани Фарғона йўли кўчаси, Қўйлик, 4-уй 40-хона. Мўлжал: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.  
Тел: (8371) 295-97-82  
+99897 785-90-30 (кўчдузи)

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилик — 6 ой.  
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.  
Аёллар костюм-шўма, плаш-пальто — 1-2 ой.  
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.  
Ҳамшира (тажор) — 3-4 ой (амалиёти билан).  
Тиббий массаж — 2 ой. Нуктали — 1 ой.  
Торт ва пиширилган — 2 ой.  
Пиширилган олий курси — 1 ой.  
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.  
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.  
Тўй ва оқшом турмаклари ва макиях — 1 ой.  
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.  
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).  
Қаштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).

### Бепул маслаҳатлар

Нўхат, мош, ловия каби дуккакли донларни иссиқ сувда ивйтиб бўлмайди, қотиб, пишиши қийинлашади. Пиширғанда совуқ сувга солиб, паст оловда қайнатинг. Тузни пишгандан сўнг солинг.

\*\*\*

Гуруч, макарон маҳсулотларини эса қайноқ сувга солиб, тез қайнатинг, акс ҳолда, маҳсулот идишининг тағига ёпишиб қолади.

\*\*\*

Идишни ювганингизда сувга бироз туз ёки сода солсангиз, идишининг кири тез кетади.

\*\*\*

**Серка КАТТАЕВ**  
**тайёрлади.**

"Тарбия нихоятда нозик иш", деган ибора айримларга эриш туюлади. Оталар-ку ўз йўлига, яъни тирикчилик, рўзгор тебратиш ва бошқа ташвишлардан ортиб, фарзандлари учун вақт ажратишга қийналади. Лекин буни ҳам оқлаб бўлмайди. Афсуски, аксарият ҳолларда ҳамма юк оналар зиммасига тушаётгани ҳақиқат. Ҳўш, бола тарбиясида аёлнинг ўрни қандай бўлиши керак? Бу масъулиятли вазифани улар қай даражада уддалашаяпти?

### ҲАЁТ САВОҚЛАРИ

...Бекатда автобус кутиб турганим. Бир аёлнинг боласини нуқиб эришаётгани эътиборимни тортди.

— Ҳа мишиқидан кўрқингми, галварс? Урмайсани башарасига, кўрқок!  
— Ойи, у кичкина-ку, қандай ураман?  
— деди олти ёшлардаги болакай йиғламираб.

— Кичкина эмиш, ҳе, отанга ўхшамайди!..

## Алдагани ким яхши?

### ...болалар десангиз, янглишасиз



михлаб кўяди...

— Ойижоннинг оёқ-қўли ишламайди, ҳатто гапиролмайди ҳам. Бироқ кўнглини тилган тиг зарби ҳали йўқолмаганини мижжаларидан сизиб чиқаётган ёшлардан ҳам сезиш мумкин, — дейди ҳалиги аёл. — Қизалоқнинг гапини фақатгина мен эшитганим, агар буни овсинининг эри эшитиб қолса борми, бир оила бузилиб кетади. Шу боис тилимни тишляпман...

#### Дилбар опанинг ҳикояси:

— Мактабдан қайтган қизимнинг кайфияти йўқлигини бир қарашдаёқ сездим-у, секин сўрадим:

— Нима бўлди, болам, ё бирор жойинг оғриятими?

У боши билан йўқ ишорасини қилди-да, индамай хонасига кириб кетди. Анча вақтдан кейин кирсам, кийимларини ҳам ечмай ухлаб қолибди. Ёнига бориб қарасам, ёстиги жиққа ҳўл эди...

Онаман-ку, ўзи уйғонгунича не-не хаёлларга бордим. Ҳатто кундалигини ҳам текшириб кўрдим. Тўртта беш олибди, ёмон баҳоси йўқ. Демак, мактабда қандайдир кўнгилсизлик бўлган деган ўйда синф раҳбарига кўнгирик қилдим.

— Қизингиз ҳаммасини айтгандир-да?  
— Йўқ, йиғлаб ухлаб қолибди. Нима гаплигини сиздан сўраш учун кўнгирик қилаётгандим.

— Синфимда бир безори бола бор. Ўша...

— Урибдими ё бирор нарса дебдимми?

— Қизингизга "Сен асрандисан, сени ойнинг тулмаган. Шунинг учун даданг ҳам йўқ", дебди...

Телефон гўшаги қўлимдан тушиб кетди. Танамдан мадор қочди. Жойимга ўтириб қолдим. Боягина норасида қизганининг юрагига теккан "ўқ" энди мени йиқитган эди...

Аслида, қизимни асраб олганим рост. Нега десангиз, узоққа тушиб кетган синглим тўртинчи фарзанди — шу қизчани туғаётиб вафот этган ва уни мен бир парча этлигидан боқиб, кипригим орасида авайлаб ўстираётгандим. Қизчаним кўнглига озор етмасин деб оиламизда бу ҳақда умуман гап очмасдик.

Ун икки яшар қизалоқнинг айби нима? Ўша бола бу гапни қаердан эшитганини биламан. Ота-онаси айтган! Кап-катта одамларга бундай гийбатларни тарқатиш нега керак экан-а? Ҳалигача қизим ўзига келолмаяпти, дарслардан ҳам совиб кетди...

Ёзганларимнинг ҳаммаси ҳаётӣй воқеалар. Сиз билан бизнинг кўз ўнгимизда содир бўлаётган гап-сўзлар. Улардан тўғри хулоса чиқариш эса ўз ихтиёримизда. Фақат биргина илтимосимиз: фарзандларимиз ёнида фақат яхши гапларнигина айттайлик, гийбат ва бўҳтонлардан тийилмайлик!

Шахло ТОШБЕКОВА

...Жамшиддон бобоси етаклаб келаётган тойни кўриб, зар чопоччасининг этагини ҳилпиратганча унга пешвоз югурди.

— Бобожон, бунча чилойли от, менами?

— Албатта, тойчоғим. Қара, иккаланг узукка кўз кўйгандайсизлар. Худо хоҳласа, сен катта, паҳлавон йигит бўласан, той эса от.

Шу кун аясию амма-холаси, сахий амаки-тоғаларининг берган пуллари-ю, шоколадларига қарамай, Жамшиддон тойнинг олдидан кетмасди. Унинг қоп-қора кўзларига тикилар, бог четида ўрилмай қолиб кетган бедадан юлиб унга титар, тойчоқнинг ям-яшил йўнгиқча барглари мазза қилиб чайнаётганидан завқи келиб қикир-қикир куларди. Тўй боланинг ҳеч ким билан иши бўлмай, қайнотаси олиб келган той олдида ўралашиб қолганини кўрган Бахтиёр ўғилчасини келинчақдек безатилган тойчоқнинг устига ўтказиб, ховлини уч маротаба айлангиранида ҳаммаёқни қийқиритиб, Жамшиддоннинг шарафига ҳамду санолар ёғилди.

— Туф-туф, илоё, кўз тегмасин, ҳақикий қавандоз!

— Қани, дуо қилинглар, йигитларнинг сардори бўлсин!

Ризвоной момо неварасининг бошидан айлангирани исирик тутатди, юган тутган кўлчаларидан ўлди. Жамшид ҳар давра айланганида катталар устидан ширинлик, пул сочишар, махалланинг болалари, дўстлари қий-чув қилиб, ерга тушган сочқиларга ёпишарди. Буларнинг барчасини той устида ўтириб кузатаётган Жамшиддон ўзини бувиси кечкурун-

### БУГУННИНГ ҲИКОЯСИ

маланаётган ўғилчасига, бир қайнотасига қараб, бошини қашлади.

—Тўғри-ю, аммо... неварангиз жуда ҳам ўрганиб қолувди-да. Эгасига айтинг, яна бир ҳафта кутсин, пулини тўғрилаб, сотиб оламан.

— Кўйсангиз-чи, қуёв, шаҳар жойда от боқиб бўлар эканми? Кафтдек боғларинг бўлса, бунинг устига унга ем, қаров керак. Эгаси ҳам рози бўлмайдиёв, мен унга бугун тойингизни қайтариб бераман, дегандим, ахир. Ҳозир тўй мавсуми, унинг ҳам тирикчилиги шу тойнинг орқасидан, тушунинг...

Жамшид дадасининг бобоси билан гаплашиб турганини кўриб, уларнинг олдига югуриб келди.

— Бобожон, тойим катта бўп қойди, юйинг, кўйсатаман.

— Ох, ўзинг ҳам той бола бўп қопсан-ку! Қани, бир ачом-ачом қилайликчи...

Расул ака неварасини даст кўтариб, икки юздан ўлиб, аста ерга қўйди-да, ўзи ҳам унинг ёнига чўккалади.

— Жамшиддон, энди сен ҳам катта йигит бўлиб қолдинг. Бугун мен тойингни эгасига қайтариб беришим керак. Сенга эса ўзи юрар мошина олиб бераман, ҳўпми, кўзичоғим?

Жамшид бобоси нима деяётганини тушунолмай, дам қовоғи солиқ дадасига, дам бошогига қаради. Сўнг бобоси тут-қазган шоколадни оча бошлади.

— Ана, иш битди. Энди, Бахтиёржон, хафа бўлмайсизлар. Расул ака бог томон юриб, ундан хуркиб орқасига тисриллаётган тойнинг олдига борди, арқонини ечди-да, дарвоза томон йўналди.

## Ижара тойчоқ



Жамшиддон бобоси тойни айлантириб келмоқчи дея тушунолмай, шоколад қозонини ерга ташлаганча унинг ёнига югурди.

— Бобожон, мени ҳам айлантиринг, сиз билан бойай...

Бахтиёр ўғлини ушлаб қолиб, уни машинага ўтказди.

— Сен богчага, мен ишга кеч қоламан, Жамшиддон. Той билан кечкурун айланасизлар...

...Жамшид кечкурун боғдаги олма дараксининг тагида тойчоқнинг йўқлигини кўриб, ошхонага қараб югурди.

— Ойи, отим қани?

Малика ўғилчасининг терлаган пешонасидан ўлиб, уни чалгитишга ҳар қанча уринмасин, фойдаси бўлмади. Оёқ тираб туриб олди:

— Бобом эйталаб опкетувла, бобомникига бойаман.

Малика ўғлини бағрига маҳкам босганча, тойни бобоси эгасига қайтариб берганини ҳарчанд тушунтиришга ҳаракат қилмасин, Жамшид уни эшитмас, тинмай отининг олдига боришини айтиб йиғларди...

— Унда шамоллашнинг ҳеч қандай аломати йўқ. Ички аъзолари ҳам соғлом. Аммо у нимагадир қаттиқ ичккан ё бирор-бир ўйинчоғини йўқотиб қўйдими? — шифокор Малика билан Бахтиёрга саволомуз қаради. — Чунки бир ойдан буюн иситманинг тушиб-чикиши фақатгина асабининг зўриқши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу касалликни даволашнинг бирдан бир чораси — йўқолган овуноғига ўхшашини топиб келиш керак.

...Сўрида дадаси билан ётган Жамшиддон кўзини очиб, одатдагидек боғданги олманнинг тагига қаради. Э-воҳ, унинг остида бедани карт-корт чайнаганича, бошини силкитиб тойи боғлоглиқ турарди. Сакраб ўрнидан турган Жамшиддон оёқяланг тойнинг олдига югуриб бораркан, ойсининг кўзи ёшланганини, дадаси эса машинаси турадиган жойнинг бўшлиғига қараб, хўрсиниб қўйганини сезмади ҳам.

Наргис ҚСИМОВА

...Бир аёлнинг айтишича, овсини билан қайночасининг ораси жуда яхши экан. Бир кун овсинининг қизчасини бувиси эркалаб ўтирса, қизалоқ осмондан тушгандек:

— Бувижон, сизни жуда яхши кўра-

## Тўрвасиз кимса

Унинг фақат тўрваси йўқ. У фақат кўчада қўлини чўзиб ўтирмайди. У шунчаки ишда, иш жойида. Бироқ келган одамнинг қўлига қарайди. Келган одамдан таъма қилади. Индамай кетса, бир нима ташлаб кетишини сўрайди. Беминнат ишини миннатга қарштириб юборди. Хуллас, нимадир олиб қолади.

Садақани борлар беради. Орттирганлар беради. Унга эса... орттирган ҳам беради, орттирмаган ҳам. Иши тўшса кифоя. Кимдир индамай ташласа, кимдир оғриб ташлайди. Кимдир сўнги чақасини тўтиб, ўзи яёв кетади. Турк этган киши баҳона билан сийланади.

Унинг фақат тўрваси йўқ...  
Лола УРОКОВА

## Фарзандни кечириш мумкин

“Марғубанинг макри”, 37-сон

Ҳар қандай одам ҳаётда адашиши мумкин. Лекин унга чин юракдан меҳр-оқибат кўрсатиб, оқилона маслаҳат берсангиз, яна тўғри йўлни топиб олади. Ақл билан кўрсатилган йўл-йўриқ беиз кетмайди.

Мақолада номи тилга олинган Марғуба қизимизнинг ҳали ўн гулидан бир гули ҳам очилмабди. Онаси Умиданинг айтишича, у аввалбошданоқ адашган. «Билмайин босдим тикани, тортадурман жабрини» деганларидек, биламан, у ҳозир пушаймон чекапти. Онасининг алам билан айтган гаплари ич-ичини кемираётгандир. Балки кимга дардини ёришни билмаётгандир.

Аслида, бечора оназор ёлғиз қизини ўйлаб бошқа турмуш қурмаган экан. Бу ҳам тақдир-да. Шунча кўргуликларни бошидан кечирган муштипар аёлга жондай азиз бўлган жигаргўшалари ҳам ёрдам беришмагани охир-оқибат янада каттароқ фожияларни бошлаб келди. Агар улар меҳр-муруватга зор аёлга қўлларидан келгунича кўмак беришганида у дардини газетага дастурхон қилиб юрмасди.

Бугун нафақат Умидахон, балки ака-опалари, яқинлари ҳам уялиши керак, деб ўйлайман. Айни пайтда, кўпни кўрган ва табаррук ёшли онахон сифатида тушунликка тушиб, икки ёқда сарсону саргардон бўлиб юрган она-болага Оллоҳдан сабару тоқат тилайман. Умидахон қизим, бу дунёда сизнинг ёлғиз фарзандонгиздан бошқа ҳеч кимингиз йўқ экан-ку! Яхшиси, шу дилбандингизнинг гуноҳини кечиринг. “Сендай боламдан воз кечдим”, дейишингиз худога ҳам хуш келмайди. Ахир, унинг ўзи хато ва айбларига иқроор бўлиб, “Мени кечиринг, ойижон” деб, зор йиғлаб юрибди. Унга энди Яратгандан тўқис бахт сўранг!

Мушарраф ТЕШАЕВА,  
Бухоро шаҳри Муҳаммад Наршахий кўчаси 35-уй.

## АЖАБ ОЛАМ Кум ҳайкалтарошлиги

Ҳаммаимиз ҳам болалигимизда кумлоқ жойларда ўйнашни яхши кўрардик. Кумдан турли уйлар, қасрлар шаклини қуришга уринардик. Аммо ростокам қаср қуриш мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаган эканмиз. Айримлар ҳатто бу машғулотга санъат даражасида жиддий қарашади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида кум ҳайкалтарошлиги бўйича хаваскорлар ва профессионаллар ўртасида танловлар уюштирилади.



Бундай ҳайкаллар одатда дарё кумларидан ишланади. Чунки денгизникига қараганда анча майда ва ёпишқоқ бўлади. Кум усталари турли катталиқда қасрлар қуришади. Айрим улкан кумқасрлар шу қадар мустамҳкам ишланадики, уларни бузиш учун бир ҳафта вақт кетади.

Сиднейлик рассомлар “Пэлм Бич” (Palm Beach) кўли соҳилида ҳақиқий катталликдаги “Шкода” автомобили макетини ясади. Бу машина макети учун нақд 60 тонна кум ишлатилди.

Шундай қилиб, кум ҳайкалтарошлиги санъатига бўлган муҳаббат туфайли ҳар ёзда бу соҳага қизиқувчи одамлар асосий вақтларини денгиз ва дарёларнинг кумлоқ соҳилларида ўтказадилар.

Наргиза СИДДИКОВА тайёрлади.

## Солиқ учун битта, сотиш учун юзта!

### ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

“Абу Сахий” бозори ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Ҳар ким ўз “бизнес”и билан овора. Кимдир озиқ-овқат сотади, кимдир кийим-кечак. Мустафо Солиев (исм-шарифлар шартли) ҳам ўз тиркичилиги билан банд. У 2008 йили Чилонзор туман ҳокимиятидан рўйхатдан ўтиб, фаолиятини бошлаган эди. Шу давр ичида қилмаган иши, сотмаган товари қолмади. Ҳозир спорт кийимлари савдоси билан шуғулланади.

“Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб борганман”, дейди тадбиркор дастлабки суриштирув пайтида. Лекин қалбаки равишда тўлаш билан ҳақиқийсининг орасида каттагина фарқ борлигини унутган

кўринади. Унта маҳсулотни нақд пулга сотиб, биттаси учун чек уриб бериш товламачилиқдан бошқа нарса эмас. Бу солиқдан қочининг энг оддий усули экани барчага бирдек маълум. Афсуски, М.Солиев ҳам ана шундай ноқонуний ишга қўл урди. У “Абу сахий” бозорида Хитойдан олиб келинган сифат сертификати ва кириш ҳужжатлари бўлмаган спорт кийимларини асосан нақд пулга сотиб, истеъмолчилар ҳуқуқини бузган ҳолда, харидорларга чек ёки унга тенглаштирилган квитанция беришни ҳаёлига ҳам келтирмади. Шунчаки, расмийлаштирилган учун кўнига маълум миқдорда урилган чеклар билан харидорларни алдаб юрди.

Тадбир чоғида сохта тадбиркор Солиев харидор Муртазоевага 3 турдаги 900 дона хорижда ишлаб чиқарилган спорт кийимларининг нархини жами 14.200.000 сўмга сотишга келишиб, харидордан 7.000.000 сўм ҳамда 3000 АҚШ долларини санаб олади. Лекин бу пуллари ишлатиш унга насиб қилмади. Сабаби, мазкур жиноий ишдан хабардор бўлган ходимларимиз дарҳол қонунбузарлик ҳолатининг олдини олиб, қонунбузарни далилий ашёлар билан қўлга туширишди. Нафси ҳақалак отган шахс жазосини олди.

Фазлиддин АЛИМОВ,  
Бош прокуратура хузуридаги  
СВОЖДЛКК департаменти  
Тошкент шаҳар Учтепа туман  
бўлими бошлиғи ўринбосари.



“Кизим Баҳринисонинг эртанги тақдирини ўйлаб сизларга мурожаат этишга қарор қилдим. Балки отаси билан ажрашмаганимда ҳозир қизим яхши бир оиланинг бекаси сифатида бахтли-саодатли яшармиди. Икки фарзандим ҳам ота меҳрига зор бўлиб вояга етди. Уларни меҳнатсевар эгиб тарбиялашга ҳаракат қилдим. Ўғлим ҳам, қизим ҳам олий маълумотли. Ўғлим уйланган. Келиним оқила, бир қизим иккита бўлди.

Баҳринисони Камолга унаштирамоқчи бўлиб турганимизда кўёвнинг холаси «Опа, суриштирдим, бўлғуси келинингиз бизнинг маҳалламизда яшайдиган Аҳмад пиёнистаннинг қизи экан. Наҳотки кўра била туриб, шу одам билан қанда бўлсангиз. Эртани ҳам ўйланг”, дебди. Кейин эса ўша аёл уйимизга келиб, «Жияним қизингизга уйланмайди. Баҳринисони бошқа сўраган жойига узатаверинг», деди. Қизим бир аҳволда «Турмушга чиқмайман, онажон, шундай пасткашлар олдида изза бўлишингизни истамайман», деб мени овутомқчи бўлди. Ийлар оқар сув экан.

Энди афсус чекаман, аммо фойдаси йўқ. Баҳринисонинг ёши 37 да. Маълумоти олий. Хушрўйгина. Меҳрибон, уй юмушларини ўрнига қўядиган, пазанда. 40 ёшгача бўлган змиёли, зарарли одатлардан холи, иши тайин, уй жойли, диёнатли инсон учраса, уни эгасига топширсам дейман.

ОЙША хола,  
Навоий вилояти”.

“Соҳиба билан маҳалладош эдик. Ёшлигимизданок бир-биримизга кўнги қўйгандик. Лекин унинг отаси яқин бир ўртоғи билан қуда-анда бўлишга ахдлашиб қўйган экан. Юборган совчиларимизнинг ҳафсаласи пир бўлиб қайтишди. Нима қиларимни билмай бошим қотиб юрган кунларимнинг бирида ишхонамга бир нотаниш йигит мени сўроқлаб келди. У ўзини Соҳибага мажбуран уйлантиришмоқчи бўлаётган Носирман деб таништирди. Унинг ҳам севган кизи бор экан, лекин отаси ҳатто эшитиш тугул, тушунишни ҳам хохламабди. Тон олиб айтган гап-сўзлари мени руҳлантириб юборди. Эртаси кунёқ отам, Носир учовимиз Соҳибанинг отаси билан учрашдик. Бор гапдан хабар толган, у киши бизларни ўртоғининг олдига бошлаб борди. Ҳаммамизнинг гапимиз бир жойдан чиқди. Бир ой ичида Носирнинг ҳам, менинг ҳам никоҳ тўйимиз бўлди. Биз яқин дўст бўлиб қолдик.

Соҳиба билан ҳам бахтли яшай бошладик. Таниган-билганлар «Кўз тегмасин ишчилик, гўёки узукка кўз қўйгандай сизлар-а», дейишарди. Кетма-кет учта қизимиз туғилди. Уларни узатиб, ҳузур-халоватини кўраимиз деганимизда соҳиба оғир хасталикка чалиниб, дунёдан ўтиб қолди. Мана, шунга ҳам уч йил бўлибди. Қизларим билан

бамаслаҳат ҳолда уйланишга қарор қилдим. Ёшим 48 да. Асли чимкентликман. Оддий ишчиман. 45 ёшгача бўлган, меҳрибон, оқ кўнгли, уйим-жойим дейдиган, бефарзанд аёл учраса, уйланиш ниятидаман.

РУСТАМ,  
Тошкент шаҳри”.

«Ҳарбий хизматда йигитлик бурчимни ўтаб юргангидея севган қизим Дилноза ота-онасининг раъйига қарши боролмай, турмушга чиқиб кетган эди. Бу хабарни эшитганг, унга раҳимим ҳам, қаҳрим ҳам келди. Аламиндан суратини, хатларини йиртиб ташладим. Уйга қайтганимдан сўнг ота-онам мени уйлантириш тарафдудига тушиб қолишди. Зулайҳо тоғам билан ёнма-ён яшайдиган қўшнисининг қизи эди.

Тоғам «Синалган жой, ота-онаси ҳам жуда яхши инсонлар», деб роса мақтади. Эртаси кун учрашдик. У ҳам менга маъқул тушди. Кўп ўтмай тўйимиз бўлди. Жуда бахтли яшай бошладик. Кетма-кет фарзандларимиз туғилди. Эндигина ўғлимизни уйлантирган пайтимиз кутилмаганда у қанд касалига чалиниб қолди. Узок вақт узлуксиз даволанди. Лекин наилож, тақдир экан-да, пешонамга сифмади. Бевақт қазо қилди.

Ҳаёт эса давом этаверар экан. Икки ўғлимни уйлантир-

дим. Кенжа қизим коллежда ўқийди. Уйланишга фарзандларим ҳам рози. Ёшим 51 да. Маълумотим олий. Ишим тайин, уй-жойим етарли. 45 ёшгача бўлган, хоразмлик ёки қорақалпоғистонлик, оқила, меҳрибон, бефарзанд ёки битта қизи бор аёл учраса, уйланоқчиман.

КУДРАТ,  
Хоразм вилояти”.

Ўғлим Фарход биринчи синфга борганида бувиси амма-сининг эндигина атак-чечак қилиб юрадиган қизи Дилбарни «бешиккертти» (қулоғини тишлади) қилиб қўйганди. Қайнонамга норозилигимни билдириб, «Болалар вояга етиб, кўнгли кўнглига тўғри келмаса-чи» деса-ам, «Нима, қуда-анда бўлишга қаршимисиз?», деб сўзидея туриб олди. Шу-шу, ҳайити байрамларда қанда қилмай, қайнопамнинг қизини йўқлайдиган бўлдик. Болалар вояга етди.

Дилбарнинг ўз севган йигити бўлишига қарамасдан, қайнонам уни Фарходга турмушга чиқишга мажбур қилди. Тўйларини ўтказдик. Дилбар ҳам тақдирга тан берди. Қайнонамнинг хурсандчилиги эса узокқа чўзилмади. Биринчи фарзандлари ногирон туғилиб, уч ойлигидея тупроққа топширдик. Бу аччиқ қисмат иккинчи фарзанднинг ҳам пешонасига битилган экан. У ҳам узок яшамади.

Фарход билан Дилбар юрак олдириб, бола асраб олишга қарор қилишди. Лекин қайнонам, қайнонам рози бўлишмади. Улар қонуний ажрашишди. Фарход қайта уйланиб, ўғилчали бўлди. Қизим иккимиз кўзда ёшимиз билан тахририятга хат ёздик. Бизга хотини қазо қилган, икки нафар ёш қизи бор Нурмат деган йигитнинг телефони рақамини беришди. Иккаласи учрашишди. Бир-бирига манзур бўлди. Нурмат диёнатли, меҳнатсевар, оқ кўнгли, инсон экан. Оллоҳнинг қарами кенг, насиб этса, у яқинда она бўлади. Сизларни бир умр дуо қиламан.

НАФИСА опа,  
Бухоро вилояти”.

### ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бево-сита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла қўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашган талаб бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46



## Кийимдаги кулгили ёзувлар

Хар кунни кўча-кўйда, бозор ёки турли жойларда турфа хил кийимдаги одамларга кўзимиз тушади. Албатта, ҳеч кимнинг замондан, янги модадан ортда қолгиси келмайди. Бу табиий, албатта. Лекин...

Кунни кеча пойтахт кўчаларида бугунги ёшларнинг (катталар камдан кам ҳоллардагина мода кетидан қувишга ружу қўйишни биламиз) кийиниш маданияти билан боғлиқ кичкина бир "таджикот" ўтказдик: 16-17 ёшлардаги бир қизнинг эғнидаги футболкасида инглизча «I'm a sock» деган ёзув акс этган экан. Афсуски, у ўзига ярашиб-ярашмай турган бу либосдаги ёзув таржимаси... "Мен хўрозман", дегани эканини билармикан? Иккинчи бир тенгдошимиз устидаги либосда эса «earless», яъни "қулоғи кесилган, қулоғи йўқ" деган ёзув битилган эди. Ёки бўлмаса ҳали воёга етмаган қизчанинг

нозиккина кийимини кўриб, «lovesick» — «севгидан қийналган»ини билиб олдик. Яна бошқа футболкаларда «slovenliness», «ungloved», «fucking», «self-will», «trashy» каби бир-биридан хунук ва уятсиз сўзлар битилганки, улар таржима қилиб ўтиришнинг ўзи кулгилidir.

Биз "Мен хўрозман" деган ёзувли либосни кийган қиздан "Шу сўзнинг маъносини биласизми?" деб сўраган эдик, у кулди-да, "Менга фарқи йўқ нима ёзилгани, шу футболканинг ранги ва кўриниши, тикилиши айнан дидимга мослиги учун харид қилдим", деб жавоб берди ва секин қўшиб қўйди: "Дугоналаримнинг кўпчилигида шундай либос бор..."

Ўзини Дилфуза деб таништираган талаба қиздан (энг қизиғи, у хорижий тиллар филологияси факультетида ўқир экан) унинг евроуслуждаги кийимдаги инглизча «eat me» деган сўзлар «Мени еб

Пайғамбарлар ҳатто сендан туғилган, Олдинда султонлар бошин эгади. Мехринг ила бутун дунё йўғрилган, Тенгсиз баходирлар сажда этади.

Муқаддас Катъамсан аслида менинг, Суянган тоғимсан, онам ўзингсан. Оёғинг остида ҳаттоки жаннат, Порлаган куёшсан, олам ўзингсан.



Озода АБДУСАМАТОВА,  
Самарқанд давлат университети  
қошидаги 1-сонли академик  
лицей ўқувчиси.

## БЕШИГИМ ИЗЛАРИ ЧИЗИЛГАН ГЎШАМ

Ватаним муқаддас азиз қошоном,  
Кўз очиб кўргандас, тақдир пешонам,  
Жонқуяр устозим, мехрибон онам.  
Оллоҳ назар солган хур маконимсан,  
Осмону заминим, гулистонимсан.

Гулларга бурканган диёрим ўзинг,  
Соғиниб излаган баҳорим ўзинг,  
Фурурим ва бахтим, ҳам орим ўзинг.  
Дунёларда тенгсиз бир жигаргўшам,  
Бешигим излари чизилган гўшам.

\*\*\*

Она, қалбинг гўё мисоли бир гул,  
Сабринг кўриб, тошлар уялиб кетди.  
Мехринг офтоб ила тобланган сумбул,  
Кўёш ҳам қизариб уфққа етди.



Хумойра ЭШМУМИНОВА,  
Қарши давлат университети қошидаги  
2-академик лицей ўқувчиси.

## ҚАЛБИМИЗДА ТОНГЛАР УЙҒОНСИН

Бир сўз айтинг, сиз айтган сўздан  
Қалбимизда тонглар уйғонсин.  
Бир энтикиш, ҳаяжон ила  
Юрак яшаш ишқиде ёнсин.

Бир сўз айтинг, сиз айтган сўздан,  
Армон кетиб, орзу жой олсин.

## ОЙНА

кўй» деган маъно англатишини билиш-билмаслигини сўрадик. У ҳам бошқалардек бепарволик билан "Мен учун ёзув эмас, кийимнинг ўзи муҳим", деб жавоб берди.

Майли, булар энди ажнабий ёзувлар деб ўзимизга таскин берармиз, бироқ аксарият аҳоли тушунадиган рус тилида битилган куйидаги сўзларга нима дейсиз: "Мен бутунлай сеникиман", "Ёқимли тунги ҳаёт", "Мен жуда ҳалолман, шу боис нарҳим баланд"...

**Дурдона НАЗАРОВА, 1-Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси:**

— Айримлар фарзандининг қандай кийим-кечак кияётганига деярли эътибор бермайди. Бу нотўғри. Чунки одамнинг ички ва ташқи дунёси гўзал бўлиши керак. Масалан, бизнинг коллежда юқоридаги каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, ўқувчиларга махсус кийим жорий қилинган. Тўғри, бу тартиб-қоида ўқиш жойида тушунарли, лекин истаимизми-йўқми, улар уйига қайтгач, ўзларига ярашмаган кийим-кечакларни кийишлари табиий. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам ота-оналар болаларига кўз-қулқоб бўлишлари шарт!

Шу ўринда бир мулоҳаза: бозор ёки дўконларда сотилаётган, шунингдек, хориждан юртимизга кириб келаётган мавсумбop турли хил модалардаги либослар сифати, махсус сертификати ҳамда тайёрланган манзили билан бирга, улардаги ёзувлар қандай маънолар англатиши ҳам назорат қилинса, юқоридаги каби ҳолатларга йўл қўйилмасди. Энг муҳими, биз қайси ёшда бўлишимиздан қатъи назар, ўз дидимиз ва савиямизни ҳам тарбиялаб бормоғимиз керак. Ана шундагина кулгига қолмаймиз.

**Сардор ҲАМРОЕВ,**  
"Оила ва жамият" муҳбири.

## КўНГИЛ МУЛКИ

Кўзлардаги ташвиш учқуни,  
Дард тўзони буткул йўқолсин.

Бир сўз айтинг, сиз айтган сўздан,  
Бир умрга олай тасалли.  
Ҳеч бир луғат, ҳеч бир таржима  
Бундай сўзни билмасин хали.

Шу сўз эрур олдга чорловчи,  
Булбул овозидай диловар оҳанг.  
Кўнгиллари масрур этувчи  
Саболарнинг тилида сўзланг.

\*\*\*

Толиқдингми азизим, бу кеч —  
Нигоҳларинг сўлғин ва маҳзун.  
Бу оламнинг йўли тўполон,  
Бу дунёнинг йўллари узун.

Хоридингми, чекаверма ғам,  
Кувонч ўпар шод изларингни.  
Дардларингга қўяйми малҳам,  
Кўзларингни юм, кўзларингни.

Пасту баланд юрган йўлимиз,  
Қоқилдингми билмай ногаҳон.  
Кел, дардларинг мен билан бўлиш,  
Сирларингни тутмагин пинҳон.

Кўй, ором ол, ҳасрат арисин,  
Саболарга айтгин сўзларинг.  
Тонгда бахтли уйғонмоқ учун  
Кўзларингни юмгин, кўзларинг!



## Алплар беллашди

Термиз шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти саврини учун Ҳақим ат-Термизий хотира-сига бағишланган X халқаро турнир ва катталар ўртасида VIII жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Буюк аллома хотирасига бағишланган X халқаро турнирда полковлар мутлақ вазн тоифасида ўзаро куч синашди. Мусобақанинг финал учрашувида ҳамюртимиз, халқаро спорт устаси Абдулла Тангриев япониялик Южи Оношини мағлубиятга учратиб, X халқаро турнирнинг мутлақ ғолиби бўлди ва Президентимиз савринини қўлга киритди.

Катталар ўртасидаги VIII жаҳон чемпионатида эркаклар ва хотин-қизлар 7 вазн тоифасида куч синашди. Эркаклар ўртасидаги финал учрашувларининг 73 килограмм вазн тоифасида сурхондарёлик Шерали Тўраев қашқадарёлик Давлат Абраевни мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди. 81 килограмм вазн тоифасида қашқадарёлик Шуҳрат Арслонов тожикистонлик Дзахмшеди Иzzатулло устидан ғалаба қозон-



ди. Шунингдек, эркаклар ўртасидаги финал босқичларида ўз вазн тоифасида монғолиялик Чимбат Отгон, япониялик Кихара Кеиичи, эронлик Раҳнаможозан Ҳоҷат, тожикистонлик Мухам Абдурахмонов, исроиллик Руделсон Григорий жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

Хотин-қизлар ўртасидаги мусобақанинг 70 килограмм вазн тоифасида кечган финал учрашувида қашқадарёлик Гулмира Исмаева VIII жаҳон чемпионатининг олтин медали соҳибига айланган. Шунингдек, жанубий африкалик Даргент Тания, монғолиялик Солонго Баатарсай, Цериннадид Ценда, Хоравсурен Мунхмаг, Церенханд Доржото, қозогистонлик Севара Нишонбоева ўз вазн тоифасида олтин медал билан тақдирланди.

## ОФК кубоги

### Қаршига етиб келди

Хабарингиз бор, амалдаги мавсумда ОФК кубоги бахсларида муваффақиятли иштирок этаётган "Насаф" жамоаси 29 октябрь кунни финалда Қувайтнинг "Ал-Қувайт СК" клуби билан куч синашди. Хал қилувчи баҳс Қаршидаги "Марказий" стадионда бўлиб ўтди.

"Насаф" клуби расмий сайтнинг хабарига кўра, ОФК кубоги ғолиби учун бериладиган бош саврин-кубок кеча Қарши шаҳрига келтирилган.

Эслабиди ўтамази, ОФК кубоги ғолиби мусобақа регламентига мувофиқ кубок, олтин медаллар шодаси ҳамда 350 минг АҚШ доллари миқдоридagi мукофот пулги сазовор бўлади. Кубок соҳиби бўлган жамоа ярим йил мобайнида ушбу кубокни ўз музейида сақлаш ҳуқуқига эга бўлади.

**Интернет манбалари асосида  
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.**

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 15:00  
Босишга топширилди - 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 100000. Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20  
Котибият: 237-21-82  
Мухбирлар: 233-04-50  
«Оила» бўлими: 234-25-46

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г - 1028. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади - 7615. Баҳоси келишилган нархда.  
Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ  
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ  
Мусахҳиллар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Мафтуна МИНГБОЕВА

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5